

МРНТИ 16.21.07

### Ёрқинжон Одилов

Ўзбекистон Фанлар академияси Ўзбек тили, адабиети ва ольклори  
институти етакчи илмий ходими, филология фанлари доктори.  
Тошкент, Ўзбекистон.

## ЎЗБЕК ВА ҚОЗОҚ ТИЛЛАРИДА ЛЕКСИК ШАКЛДОШЛИК

**Аннотация:** Мақала өзбек және қазақ тілдеріндегі лексикалық шарттылық мәселелеріне арналады. 50 лексикалық бірліктер арқылы тілдік табиғаты ашылады.

**Тірек сөздер:** көне түркі тілі, өзбек тілі, қазақ тілі, тіл аралық шарттылық, туыс және туыс емес тілдер, сөздің семантикалық өзгерісі.

### Ёрқинжон Одилов

Ведущий научный сотрудник Института узбекского языка, литературы и  
литературы Академии наук Узбекистана, д-р.филол.наук,  
Ташкент, Узбекистан

## МЕЖЯЗЫКОВАЯ ЛЕКСИЧЕСКАЯ ФОРМАЛЬНОСТЬ В УЗБЕКСКОМ И КАЗАХСКОМ ЯЗЫКЕ

**Аннотация.** Эта статья посвящена феномену межязыковой лексической формальности на узбекском и казахском языках. Автор представил некоторые причины, типы и выводы о лингвистической природе этого явления с примером более 50 лексических единиц.

**Ключевые слова:** древнетюркский язык, узбекский язык, казахский язык, межязыковая формальность, родственные и неродственные языки, семантическое изменение слова.

### Yorkinjon Odilov

Leading Researcher of the Institute of the Uzbek Language, Literature  
and Literature of the Academy of Sciences of Uzbekistan, Doctor of Philology,  
Tashkent, Uzbekistan

## INTERLINGUAL LEXICAL FORMALITY IN THE UZBEK AND KAZAKH LANGUAGES

**Annotation.** This article is devoted to the phenomenon of interlingual lexical formality in the Uzbek and Kazakh languages. The author presented some of the reasons, types and conclusions about the linguistic nature of this phenomenon, for example, more than 50 lexical units.

**Keywords:** Old Turkic language, Uzbek language, Kazakh language, interlingual lexical formality, related and nonrelated languages, semantical changes of the word.

Түркій дунё вакиллари жақон тамаддунига катта хисса құшган халқлардан хисобланади. Бу халқларнинг ilk она тилемі бўлган қадимги түркій тил эса ҳозирги 30 га яқин түркій тилнинг маншай – бобо тилидир. Ҳозирги ўзбек тили ва ҳозирги қозоқ тили ҳам қадимги түркій тилдан тарқалган миллій тиллар бўлиб, ўзининг алоҳида ривожланиши тарихи, ички қонуниятларига эга. Қадимда түркійлар деб аталган катта халқнинг кейинги тарихий жараёнлар натижасыда алоҳида миллатлар сифатида дунё ҳаритасидан жой олиши, ўзларининг янги тарихларини яратиши, 28 йиллик мустакил тараққиети бу миллатларнинг она тиллари бўлган ўзбек ва қозоқ тилларида фонетик, лексик-семантиқ, грамматик ва стилистик ўзгаришларни юзага келтириди. Ана шундай экстралингвистик омиллар сабабли қозоқ ва ўзбек тилларида тиллараро лексик шаклдошликтининг оригинал намуналари – ёзилиши бир хил бир неча сўзлар пайдо бўлди.

Лингвистикада анчадан буён тиллараро омонимия деб аталағидан ҳодиса тўғрисида тадқиқотлар олиб борилади. Бу ҳодиса, айниқса, Ҳинд-Европа тиллари оиласига мансуб икки тилни (поляк-чех, чех-болгар, рус-инглиз, инглиз-француз, рус-белорус тиллари каби) қиёслаган ҳолда ўрганилган. [6, 224; 8, 48; 10, 169] Собиқ совет иттифоқида рус тилини илмий ўрганиш учун жуда катта эътибор берилгани, рус тили нафакат мамлакат, шунингдек, дунё миқёсида оммалаштирилгани туфайли рус тилини бошқа славян тилларига қиёслаб ўрганиш XX асрнинг 60-йилларида ёк бошланган. Бу борада Г.Аксенова, В.Акуленко ва К.Готлибларнинг ишларини кўрсатиш ўринли. [1, 191-198; 2, 65-89; 3, 10-42] Аммо туркологияда тиллараро лексик шаклдошлиқ түркій тиллар мисолида деярли ўрганилмаган ёки мақола доирасидагина фикр билдирилган. Лексикографик йўналишда эса Бердак Юсуфнинг «Туркча-ўзбекча, ўзбекча-туркча «алдоқчи» сўзлар луғати» (Тошкент: Ворис, 2009. – 387 б.) нашр этилган холос. Менинг маколам қариндош тилларни қиёслаб ўрганиш орқали түркій дунё маданиятини яна-да кенгроқ ўрганиш, ўзбек ва қозоқ лингвомаданияти ҳакида хуносалар чиқариш ва пировардида ўзбек ва қозоқ тилларининг ўзига хосликларини тарғиб қилиш мақсади билан юзага келди.

Жақон лингвистикасида тиллараро лексик шаклдошлиқ муаммоси биринчи бўлиб француз тилшуноси Э.Маувилён томонидан «Германистика бўйича изоҳлар» асарида ёритилган. [22, 386; 485] Кейинрок австриялик лингвист Ҳенри Портиторнинг лексикографик аспектдаги «Галл ва немис тилларидаги қарама-қарши маъноли сўзлар ҳакида қисқача трактат» очерки юзага келди. [20, 92] Аммо бу борадаги жиддий иш М.Кесслер ва Ж.Дерокинъларнинг таржима назарияси аспектидаги «Инглиз тилидаги таржимоннинг ёлғончи дўстлари» асаридир. [21, 401]

Мазкур ҳодисанинг тадқиқ тарихи 200 йилдан ошган бўлса ҳам ҳануз унинг лингвистик табиати борасидаги қарашларда яқдиллик йўқ: кимдир тиллараро паронимия деса, яна бошқаси тиллараро лексик параллеллик деб атайди, бошқабирор таржимашунослик нуқтаи назаридан ёндашади. Шу боис ушбу лексик ҳодисани ифодаловчи бирликлар ҳар хил атаб келинади. Масалан, А.А.Реформатский, А.Е.Супрун, И.С.Ровдо – тиллараро омонимлар, К.Готлиб – тиллараро аналогизмлар, А.Д.Швейцер, Л.К.Латышев – ёлғончи аналогизмлар, В.В.Акуленко – дилексемалар, Т.А.Левицкая, А.М.Фитерман, Л.И.Борисова, А.И.Пахотин, Б.Юсуф – таржимоннинг сохта дўстлари, Н.К.Гарбовский – ному-воғиқ дилексемалар, А.В.Федоров – сохта муқобиллар, В.В.Дубчинский – сохта лексик параллеллар, Я.И.Рецкер – сохта интернационализмлар, Р.Ж.Хилл, Р.Хартманн, П.Хаммер, М.Монод – сохта қариндошлар деб номлаган. [10, 3]

Терминлар таҳлилидан күрінадыки, тиллараро шаклдошлик ҳодисасига иккі хил: соф лингвистик ва таржима назарияси аспектіде ёндашилган. Шунинг учун ҳам терминларда ҳар хиллік бор. Мен мазкур ҳодисага лингвистик нұқтаи назардан қараганим учун уни туркій тиллар табиатига мос тарзда тиллараро лексик шаклдошлик, уни намоён этувчи бирлискларни тиллараро лексик шаклдошлар деб номладим.

Үзбек ва қозоқ тилларыда тиллараро лексик шаклдошлар жуда күп. Улар сүз доира-сида ҳам, ибора доира-сида ҳам қузатиласы. Хүш, тиллараро лексик шаклдошлар пайдо бўлишига нималар сабаб бўлган? Аввало, ана шу саволга жавоб топиб олиш керак. Юкорида ҳавола қилинган тадқиқотларда тиллараро лексик шаклдошларнинг бир қатор экстралингвистик омиллар сабабли пайдо бўлиши айтиласы. Масалан, қозоқ тилшуноси Г.Шарипова Н.Гарбовскийнинг «Таржима назарияси» (М., 2004. – 544 с.) китобидан куйидаги иқтибосни келтиради: «тиллараро параллелларнинг шаклланиши иккі тил оппозициясида З хил усул билан бўлади: 1. Турли тиллардан сүз ўзлаштириш жараёнидаги тасодифий мос келиб қолиши туфайли. Бундай ҳолатда семантик фарқланишлар ҳар бир конкрет вазиятда аниқланади. 2. Аслида бир бобо тилдан тарқалган тилларнинг у ёки бу тарихий даврида бир сүз шакли билан ҳар хил денотатлар номланади. 3. Икки ва ундан ортиқ тилларнинг ўзаро алоқаси сабабли ўзлашма сүз маъносининг бошқа пред-метта кўчиши, яъни денотатив транспозиция туфайли. [10, 8]

Бизнингча, тиллараро лексик шаклдошларнинг асосий қисми маъновий ўзгарышлар туфайли пайдо бўлади. Бунда иккى хил ҳолатни фарқлаб олиш керак: 1) умумтуркій сўзниң қариндош тиллардаги шаклдошлиги; 2) ўзлашма сўзниң қариндош тиллардаги шаклдошлиги. Масалан, үзбек ва қозоқ тиллари учун қадимги туркій тил бобо тилхисобланади ва қадимги туркій тилга хос сўзлар (иборалар ҳам) үзбек ва қозоқ тиллари учун умумтуркій саналади. Ана шундай умумтуркій сўзлар бу тилларда ўз шаклини сақлаган ҳолда маъновий ўзгаришларга учраган. Натижада шакли бир хил, лекин маънолари ҳар хил сўзлар юзага келган. Ҳусусан, безмоқ умумтуркій феъли қадимги туркій тилда «қалтирамоқ, титрамоқ» маъносида қўлланган: *er tumliydiñ bezdi* – эркак совуқдан қалтиради; *tumliy anii bezitti* – совуқ уни қалтиратди. [5, 97] Бу қадимги маъно ҳар иккى тилнинг ҳозирги даврига қадар етиб келмаган. Безмоқ феъли ўзбек тилида «зада, безор бўлмоқ; жонига тегмоқ» маъносини (Эрдан бессанг ҳам, элдан безма. (Макол) [11, 211], қозоқ тилида «қочмоқ, қочиб кетмоқ» (Қайда безіп барасын? – Собраниеге, правлениенің отчеты. (Л.Жансүгіров, Шығ), «слмоқ, чопмоқ» (Аттар бўркыратып, безіп келеді. (Б.Тұрсынбаев, Ауылдан), «ишончини йўқотмоқ», «рад қилиб чиқмоқ» (Мен Зейнепті алсам, экем менен беze ме? (М.Дулатов, Шығ) [16, 187] маъноларини англатади. Демак, умумтуркій феъл ўзбек тилида бир маъноли, қозоқ тилида кўп маъноли экан.

Ўзлашма сўзниң ўзбек ва қозоқ тилларыда бошқа-бошқа маъноларни қасб этишига бак сўзини мисол қилиб келтириш мүмкін. Бак сўзи асли голландча: у манба тилда «тофора» ва метафорик маъно тараққиети натижаси бўлган «эски қайик» маъносини ифодалайди. Қозоқ ва ўзбек тилларига рус тили оркали «суюқлик сақлаш учун мўлжалланган идиш» маъносида ўзлашган, ҳозирги қозоқ адабий тилида ҳам шу маънода қўлланади. [15, 613] Аммо ҳозирги ўзбек тилида «сув иситиш, чой қайнатишга мўлжалланган, самоварга ўхшаш катта металл идиш» маъносида ишлатилади: Фанижон, катта бакларнинг чойи ширин бўлмайди, ичи қотиб қоларкан. («Асқия»). [11, 144] Демак, қозоқ ва ўзбек тилларидаги бак сўзлари намоён этадиган шаклдошлиқ ўзлашма сўз маъно тараққиети натижаси экан.

Лингвистикада тиллараро лексик шаклдошлик тәдкік мақсатидан көлип чиқиб, ҳар хил турларға ажратиласы. Кимдир сүз түркүмлари бўйича, яна кимдир пайдо бўлиши омилига кўра, бошка тадқиқочи қайси тилдан ўзлашганилигига асосан гурухлаштиради. Мазкур маколада тиллараро лексик шаклдошлар структурасига асосан «фонетик-график, фонетик, график ва морфологик шаклдошлар» [7, 128-133] тарзда ўргандим.

1. Тиллараро фонетик-график шаклдошлик сўзниң товуш таркиби ҳам, ёзилиши ҳам бир хил бўлган шаклдошлиқдир. [7, 128] Масалан, ўзбек ва қозок тилларида бардам сўзининг ҳар икки тилда фонетик ва график таркиби айнан, бироқ маънолари ҳар хил. Қиёсланг:

Бардам (ўзбек тилида): 1. Куч-кувватга эга; куч-кувватини йўқотмаган, тетик. Уйқуси бутунлай тарқаб кетгач, Ахмад ўзини жуда тетик ва бардам сезди. (Ф.Мусажонов, Ҳиммат) 2. Куч-кувват, ғайрат, тетикликдан дарак берувчи; ғайрат, тетиклик билан. Ота залворли таёғини қорга никтаб босиб, бардам қадам ташларди. (С. Анорбоев, Оқсој) [11, 166]

Бардам (қозок тилида): Яшаш учун етарли маблағга эга, қўр-қутли (оила ҳақида). Осы жатағытардың бір ат, бір бузуалы сиыр, бес алтылаған ешкісі болса, ол бардам үй саналады. (Г.Жансүгіров, Шығ.) [15, 723]

Яна қиёсланг:

Бас I (ўзбек тилида): 1. ундов сўз. Бошка керак эмас, шу билан етар; тўхтат. – Бас! – қичқирди Мирзакаримбой, – манманлик – худо урганлик. (Ойбек, Кутлуғ қон) 2. кириш сўз. Демак, шундай экан. Йўлчи бир нафас тўхтаб давом этди: – Уруш бойларниң ҳамёнини тўлдирадими?! Бас, улар борсин (Ойбек, Кутлуғ қон)...

Бас II (ўзбек тилида): Гаров боғлашмоқ, гаров ўйнамоқ. Бас боғлашиб, эрта аzonда далага чиқсангиз, ҳаммадан олдин Жипаройни кўрасиз. («Қаҳрамоннома») [11, 174]

Бас I (қозок тилида): 1. Одам ёки жониворлар танаасининг бўйиндан юқори қисми. Тірі ағзалардың эволюциялық даму жолында бастың денеден жекелеуі моллюскілерде, эсіресе бунактыларда кездесе бастайды. (ҚҰЭ) 2. Одам ва бошка жониворларниң оғиз, кўз, қулақ, бурун каби аъзолар жойлашган тана қисми. Басымнан сипап маған қўрма берді, Жаныма жыл құсындай жырлар енді. (Қожа Ахмет, Даналық китабы)...

Бас II (қозок тилида): 1. Шамол учириб кетмаслиги учун енгил нарсаларнинг устини тош, темир кабилар билан бостириб қўйиш. Кеше экелген сабан әлі кіргізілмепті, үстін басып қойындар, жел тұрса ұшырып, шашылады. (Ауызекі) 2. Бир нарсанинг устига куч тушириб эзмоқ, янчмоқ, босмоқ. «Бір куні құлап кетіп, балаларды басып қалама» деп үрейленіп, жаңа үй салуды арман ететін. (А. Лекеров, Тұз гүлі)... [16, 10]

Бадал – бадал I, II, III, бадан – бадан I, бай – бай III, IV, V, бай-бай – бай-бай, байт I, II – байт, бак – бак I, II, бақыр – бақыр II, III, IV каби сўзлар ҳам шакл ва маъно муносабатига кўра тиллараро фонетик-график шаклдошлиқни юзага чиқаради.

2. Тиллараро фонетик шаклдошлик сўз ва иборанинг график шакли, яни ёзилишига кўра бир хиллиги бўлиб [7, 129], бундай сўз ва ибораларнинг талаффузида бироз фарқ бўлади. Улар ўзлашма сўзлар ёки ўзлашма ва ўз сўзлар доирасида кузатиласы; уларни тиллараро омографлар деса ҳам бўлади. Ўзбек ва қозок тилларида шаклдошлиқнинг мазкур кўриниши кўп. Масалан:

Мол арабча. (ўзбек тилида): 1. Сут эмизувчилар оиласига мансуб үй ҳайвони (корамол, йилқи, кўй, эчки, тұя ба б.); чорва. Мол оласи ташида, одам оласи ичида.

(Мақол) 2. күчма с.т. Диң-фаҳмсиз, күпөл одамға нисбатан ҳақорат тарзидә құлланади. Жуман писмиқ, күзларини жавдиратганича тураверди. – Гапир, мол! – деди мингбоши. (М.Исмоилий, Фарғона тонг отгунча) 3. Бисотдаги буюм; мол, бойлиқ. Йигит моли ерда. (Мақол) 4. Келиннинг кийим-кечаклари; сеп. Гапнинг сираси шуки, қизнинг молини тұлатаман деб, отангиз бироз қоқилиб қолдилар. («Муштум») 5. Сотиладиган нарса, буюм; товар. Баъзи дўконларда ердан шипга қадар қаланған моллар орасыда ўн икки-ўн уч яшар жажжи болалар ўтиради, савдо қиласы (Ойбек, Танланған асарлар). 6. с.т. Кийим ва бошқа нарса учун ишлатиладын мато. Яхши молдан тикилған костном. [12, 610]

Мол I умумтурк.(қозоқ тилида): Аса көп, жетерлік. Өнер түрі елде мол, өнім сыры жерде мол. (Мақал) 2. Таусылмайтын. Аста-төк. Мол қымызыга жуда зармыз, Қоры азайып келеді. (К.Салықов, Жезқиік) 3. ауыс. Кен, улken. Дәмелі мол койлектың етегін басыла-басып қойып ойға кетті. (С.Жұнісов, Ақан сері) [19, 268]

3. Тиллараро фонетик шаклдошлиқ сүзнинг иккى тилда «талаффузға күра бир хиллиги, яни омофонлиги» [7, 129]дир. Бунда сүзлар график түзилишига күра бир ҳарф билан ўзаро фарқланади ҳамда ўзлашма сүзлар ёки ўз ва ўзлашма сүзлар доирасыда ҳосил бўлади. Ўзбек ва қозоқ тилларида бу тарздаги шаклдошлиқ кўп бўлиб, бунга асосий сабаб қозоқ тилида сингармонизмнинг сакланғани, ўзбек тилида битта товуш ҳисобланадиган унли товушларнинг қозоқ тилида ҳар хил товушлар эканлигидир. Масалан, ўзбек тилида тил олди, юқори тор, лабланмаган бигта и товуши бор: бу товуш чўзиқ [i:]ни ҳам, қиска [i]ни ҳам билдиради, яни қозоқ тилидаги и, ы, і товушлари ўрнида қўлланади. Мазкур товушларнинг фарқла-ниши билан боғлиқ тиллараро фонетик шаклдошлиқка доир мисолларни киёслаб кўринг:

Қари I 1. Анча ёшга борган, қартайған; кекса. Қари билганини пари билмас. (Мақол) 2. күчма Узок ўтмишга эга. Етиб келар муздай шабада. Қари тоғнинг хўрсиниқлари. (Ш. Раҳмон, Юрак кирралари)

Қари II тар. Ўрта Осиёда ип, ипакдан тайёрланған газламаларни, баъзан масофани ўлчаш учун қўлланған узунлик ўлчови бирлиги: Тўқсон қари бўздан бўлган киссаси, Шундоқ қалмоқ айланади майдонда. («Алломиш») [14, 248]

Қары I умумтурк. (қозоқ тилида). 1. Қолдың шынтақ қосындысынан иыққа дейінгі бөлігі. «Қанына тартпағанның қары сынын деп, ол да халдайлардың кегін қуып, жоғын жоктап жүр-ай, ташамасы. (Жұтаділов, Тағдір) 2. Ұықтың астынғы беты, ийлген жер. Ұықтың қарына күмис пен алтынға суғарылған төбер зергер жандардың көз талдырган нәзік өрнектері әлдениш түсте жарқырап үй ішін нурландырып тұр. (К.Оразалин, Көктем)

Қары II Қарақшы, кісі тонаушы, жол торушы. Бәрі де жабылды, Үыр да, қары да, Етек женін жиынды спекулянтары да. (Б.Майлин, Шығ.)

Қары III жерг. Үйдің төбесіне салатын жуан ағаш; белағаш. Жер кепенің төбесін көтеріп тұрган жалғыз қары – жуан белағаш. (Ш.Мұртазаев, Қызыл жебе)

Қары IV көне. Тұысқан, ру, тек. Қарына тартпағанның қары сынын. (Мақал) [ 18, 395-396]

Айық – айық, банди – банды, мирза – мырза сүзлари, бозори ўтди – базары өтті, бети очилди – беті ашылды, күзи очилди – көзі ашылды сингари иборалар ҳам шакл ва маъно муносабатига кўра тиллараро фонетик шаклдошлиқни юзага келтиради.

4. Агар сүзлар муайян морфологик шаклдагина ўзаро ўхшашлик касб этса, «тиллараро морфологик шаклдошлиқ» [7, 129] дейилади. Бунинг моҳияти шуки, тиллараро шаклдош деб каралаётган сўз асос ёки негиз ҳолатидагина ўзаро омо-

нимликни сақлаб туради, улар түрли сөз түркүмларига мансублиги учун уларға ўша сөз түркүмінің хос шакл ясовчы құшимчалар қүшилады ва бунинг натижасыда шаклдошлик йүқолади. Тиллараро шаклдошларнинг айни қўриниши от ва сифат, от ва феъл, сифат ва феъл, олмош ва кўмакчи, от ва сон ёки феъл ва равиш түркүмларига оид сўзлар бўлиши мумкин. Масалан, ўзбек тилидаги мен олмоши қозоқ тилидаги мен (шыл) боғловчи (кўмакчи)си билан морфологик шаклдошликни юзага келтиради: Мен (ўзбек тилида): Сўзловчининг ўзини билдиради. Менга сендан эсдалик. Мендан сенга насиҳат. Мен шыл. (қозоқ тилида). Еки бірінғай мұшени өзара байланыстыратын бен, пен жалғаулық тарының бір нұсқасы. Абайдың діні – өзінің заманы мен ортасына, бір жағшнан, сырттай баж бере отырса да, негізінде және де ақылдың, адамгершіліктің діні болады (М.Әүезов, Шыл). [19, 183]

Ёки ўзбек тилидаги от түркүмінің мансуб, «уст кийимнинг икки ён этаги» маъносини билдирадиган бар сўзи билан қозоқ тилидаги равиши түркүмінің оид, «мавжуд, йўқ эмас» маъноли барнинг шакл ва маъно муносабати ўртасыда ҳам морфологик шаклдошлик кузатилади. Мазкур сўзлар түрли түркүмларга доир бўлгани сабабли бирининг қўшимчаси иккинчисига қўшила олмайди. Уларнинг шаклдошлиги лексема мақомидагина холос, контекстда шаклдошликни намоён эта олмайди.

Хуллас, тиллараро лексик шаклдошлик – универсал лингвистик ҳодиса ва у камида икки тил ўртасыда юзага келади. Тиллараро лексик шаклдошларнинг пайдо бўлиши сөз семантикасидаги ўзгаришлар: маъно кенгайиши, маъно торайиши ва янги маънонинг юзага келиши билан боғлиқ. Ҳар бир ҳалқ оламни ўзига хос лисоний англагани сабабли бир ўзлашма сөз қариндош тилларга турли маъноларда ўзлашиши мумкин. Тиллараро лексик шаклдошликни туркій тиллар мисолида ўрганиш орқали қариндош тилларнинг тараққиёт тарихи, қадимги туркій тилга муносабати ва ҳозирги холати хақида аниқ хуосаларга келинади.

## АДАБИЁТ

- [1] Аксенова Г.Н. Русско-белорусские межъязыковые омонимы и омографы // Вопросы преподавания русского языка в школе с белорусским языком обучения. – Минск, 1978. – С.191-198.
- [2] Акуленко В.В. Вопросы изучения лексических интернационализмов и процессы их образования / В кн. «Вопросы социальной лингвистики». – Ленинград, 1969. – С.65-89.
- [3] Акуленко В.В. Лексические интернационализмы: итоги, перспективы, методы исследования // Интернациональные элементы в лексике и терминологии. – Харьков, 1980. – С.10-42.
- [4] Готлиб К.Г.М. Междуязычные аналогизмы французского происхождения в немецком и русском языках. Автореф. дисс. канд. филол. наук. – Кемерово, 1966. – 115 с.
- [5] Древнетюркский словарь. – Ленинград: Наука, 1969. – 677 с.
- [6] Кусаль К.Ч. Русско-польская межъязыковая омонимия и паронимия. Дис.... д-ра филол. наук. – Санкт-Петербург, 2005. – 224 с.
- [7] Маркарян Е.В., Нейленко Л.Л. Межъязыковая омонимия в английском, французском и русском языках / <https://www.pglu.ru/upload/iblock/0de/26.pdf>. – С. 128-133.

- [8] Ровдо И.С. Межъязыковые омонимы в условиях русско-белорусского и белорусско-русского билингвизма. Автореф. дисс. ...канд. филол. наук. – Минск, 1980. – 48 с.
- [9] Хуцишвили С.Д. Славянские межъязыковые омонимы. Дисс. ...канд. филол. наук. – Тбилиси, 2010. – 169 с.
- [10] Шарипова Г.С. Межъязыковая омонимия в русском и английском языке. Автореф. дисс. канд. филол. наук. – Алматы, 2010. – 26 с.
- [11] Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 1-жилд. – Тошкент, 2006. – 680 б.
- [12] Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 2-жилд. – Тошкент, 2006. – 673 б.
- [13] Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 3-жилд. – Тошкент, 2006. – 673 б.
- [14] Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 5-жилд. – Тошкент, 2008. – 593 б.
- [15] Қазақ әдеби тілінің сөздігі. 2-том. – Алматы, 2011. – 744 б.
- [16] Қазақ әдеби тілінің сөздігі. 3-жилд. – Алматы, 2011. – 744 с.
- [17] Қазақ әдеби тілінің сөздігі. 6-том. – Алматы, 2011. – 752 б.
- [18] Қазақ әдеби тілінің сөздігі. 9-том. – Алматы, 2011. – 744 б.
- [19] Қазақ әдеби тілінің сөздігі. 11-том. – Алматы, 2011. – 752 б.
- [20] Henry Portitor. Petit traité des gallicismes et germanismes, dans lesquels ces deux langues sont le plus opposées l'une à l'autre. Salzburg, 1788. – 92 p.
- [21] Kœssler M., Derocquigny J. Les faux amis ou Les pièges du vocabulaire anglais. Paris, 1928. – 401 с.
- [22] Mauvillon E. Remarques sur les germanismes Amsterdam, 1747. V, 1. – 386 p. Amsterdam, 1754. V, 2. – 485 p.